

Саритул Бахродирова

Шўмарис

(Қисса)



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.512.121-31
КБК 84(5Ў)7
Б 43

**Қорақалпоқчадан
Музаффар Аҳмад таржимаси**

Баҳодирова, Саригул.
Б 43 Тўмарис [Матн]: Қисса / С.Баҳодирова; таржи-
мон М.Аҳмад. –Тошкент: «O‘zbekiston», 2016.
–120 б. (Халқ қаҳрамонлари).

ISBN 978-9943-28-822-5

**УЎК 821.512.121-31
КБК 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-28-822-5

© Саригул Баҳодирова, 2016
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016

*Адолат – ҳамма нарсадан устундир.
«Авесто» ҳикмати*

1

Митра оғи тугаб, Апанам оғи бошланган пайт. Қуёш найза бўйи кўтарилмасданок ер қозондай қизий бошлади. Куннинг иссиқлигидан тупроқ тафти худди тандирдаги ховурдай кўтарилиб, кўзни очирмайди. Зардўшт пайғамбар Митра ойини – қуёш нури, очиқ осмон ва инсонлар бир битимга келиб, бир-бирларига яхшилик тилайдиган муқаддас оғ бўлсин, деб тилак қилган дейишади. Апанам оғи эса – сув оғи эмиш, бу оғни пайғамбар – сувга мўл бўлсин, инсонлар мўл-кўл ризку неъмат тўплаб олсин, деб дуо қилган эмиш. Аммо қарвон тортган савдогарларнинг айтишича, бу йил Зардўшт пайғамбар дуо қилган Апанам оғи кечикиб қелаётган экан. Умуман, эндиликда савдогарлар яхши хабарлар келтирмаяпти, уларнинг айтишича, форс аскарлари бу ёқларга қўшин тортиб қелишаётган экан...

Бу хабар массагетлар орасида тез тарқалди. Тўғри, массагетлар уруш, жанг садоларидан ваҳимага тушадиган халқ эмас. Аммо тинчликка, осойишта ҳаётга не етсин! Уруш ўз оти билан уруш...

Массагетлар шоҳи Тўмарис барча қабила раҳбарларига ва сатрап¹ларга йигитлар ҳарбий тайёргарликларни қучайтирсинлар, деб буйруқ берди.

¹ **Сатрап** – ҳоким, раҳбар, бошчи.

Малика юборган бу буйруқ тезда амалга оширила бошланди, ҳамма қабилаларда урушга, ҳарбу зарбга тайёргарлик қизиб кетди. Ярамай қолган мўйсафид чоллару бешиқдаги чақалоқлардан бошқа ҳамма одам ишга ёпишди – темирчи-қуролсозлар ўқ-ёй, қилич-қалқон, найза, совут, дубулға ва бошқа уруш анжомларини ясашга киришдилар. Табиблар заҳарли ўсимликларни териб келтириш учун шогирдларни эргаштириб, далаларга чиқиб кетдилар. Ёйдан отиладиган ўқларга заҳар суриб қўйишни ҳам массагетлар ўйлаб топган, қайси ўсимлик заҳари одамга салбий таъсир қилишини, ўлдиришини фақат массагетларгина билади. Улар бу сирни ҳали ҳеч кимга очганлари йўқ. Зеро, заҳарли ўқ – жанг тақдирини ҳал қиладиган сир бўлгани учун қўшин саркардалари бунини ниҳоятда махфий сақлаш лозимлигини ҳар бир аскарга мунтазам уқтирадилар. Бу ўқ душман аскарига тегса бўлди – ҳар қандай ярадор ер тишлаб қолади, табиблар уни даволай олмайдилар. Ватан тупроғига босиб кирадиган, уни оёқ ости қилмоқчи бўладиган ёвга қирон келтирувчи – мана шу ўқ. Душман неча юз минг лашкари билан келмасин, Тўмарис заҳарли ўқдан душманнинг ҳар битта аскарига етадиган қилиб тайёрлашни буюрди.

Қунботардаги денгизлар қирғоғида яшовчи, Танаис ва Боисфен дарёлари ёқаларида умргузаронлик қилувчи одамхўр андрофарлар ҳақида хабар келиб қолди: форслар скифлар мамлакатига бостириб борганларида андрофарлар ўз қўшнилари – скифларга ёрдам беришмабди. Демак, андрофарлардан бундан буён ёрдам кутиш бефойда. Хўш, яқин атрофда яшайдиган дахийларчи, улардан ёрдам кутса бўладими? Сўғдийлардан-чи? Бактрияликлардан-чи? Йўқ, улардан ёрдам-имдод ку-

тиш – кўкдан чалпак ёғишини кутгандай гап. Айтгандай, бактрияликлардан бирор нарсани умид қилмасаям бўлади – улар аллақачон форсларга бош эгишган. Сўғдийлар ҳам таслим бўлиш арафасида эмиш. Бошларида соч ўсмайдиган аргитпейлар-чи, улар массагетларга ёрдам қўлини чўзармикинлар? Финиқиёнлар-чи? Ўжар Геллеспон дарёсига биринчи бўлиб кўприк қурган, очилиб-ёпиладиган кўприкни кашф қилган, эллинларга хат ёзишни ўргатган финиқиёнлар ҳам форсларга таслим бўлган, деган хабар қулоққа чалинмоқда.

Матеин тоғларидан бошланадиган Аракс¹ дарёси Қизилқум саҳроларини кесиб ўтиб, Каспий денгизигача етиб боргани билан, барибир, у массагетларга ҳимоя бўла олмайди. Айтишларича, Форс подшоҳи Кирнинг аскарлари – балойи офатнинг худди ўзи экан, йўлда учраган ҳар қандай асов дарё бўлса – бўйсундириб, ҳар қандай тоғ бўлса, тешиб ўтиб, ўрмалаб бориб бўлса-да забт қилар эмиш. Подшоҳ Кир (Куруш ҳам дейишади) нинг миниб юрган тулпори сувга оқиб кетганида аскарларига буйруқ берибди, улар бир кечанинг ичида асов Тигр дарёсини бўғиб, сувини бошқа ўзанга буриб юборишган эмиш.

Улар Оксни ҳам бўға олармикинлар?

Нима бўлгандаям-чи, массагетлар ҳали шу пайтгача босиб келган ёғийга бош эгган халқ эмас! Ҳар доим қайсидир бир хунари, қанақадир ҳийласи, баҳодирлиги билан душманларни кул-талқон қилиб келган.

Кунчиқар томон халқларини титратиб, уларни бирмабир ўзларига бўйсундираётган форслар мамлакатадаги

¹ **Аракс** – Амударё.

отларнинг дупури анчадан бери массагетлар қулоғига келиб турибди. Шунинг учун ҳам энди массагетлар уруш тайёргарлигини бошлаб юбордилар – эркаклар, йигитлар, болалар, аёллар, чоллар – ҳамма-ҳамма урушга тайёрлана бошлади.

Айтгандай, массагетларнинг ҳеч қандай душмандан енгилмаслигининг яна бир сабаби ҳам шу – душман босиб келгудай бўлса, каттаю кичик ҳамма урушга отланади, ҳеч ким ўзини четга олмайди. Шунинг учун ҳам массагетлар душманни енгмай қўймайди. Массагетлар юртига кеккайиб қадам босган ёғий аскарлари қирғинбарот жанглардан кейин қум мисоли тўкилади ёки шармандаларча қочиб қолади. Қочиб қайга ҳам борарди дейсиз, ўннга қараб қочса – Қизилқум саҳроси, чапга қараб қочса – Қорақум саҳроси, олдинга қараб чопса – денгизга бориб тақалади, шунинг учун ортга – келган йўлига қараб қочади-да! Ҳаёт-мамот курашларида ҳеч бир халқ Окс билан Яксарт дарёлари денгизга қуюладиган ҳудудларда яшовчи массагетлардай жипслашиб уруша олмаса керак. Ҳар қандай тўсиқдан беписанд ўтиб келаётган душман шу ерларга етиб келгач, ҳолсиз йиқилади.

Аммо бу гал форсларнинг ҳарбий тайёргарлиги жуда кучли эмиш. Ҳўш, бу миш-мишлар қанчалик тўғри ё нотўғри экан – билиб бўладими? Тўмарис ўзининг заҳматкаш халқини омон сақлаш учун кўкдан мадад ё бир эзгу башорат ўтингандай осмонга боқди. Митра ва Унхун деб номланган ўттиз кунлик оралиғида туғилган ойнинг баркаши – форслар билан бу гал бўладиган тўқнашув беаёв бўлишини башорат қилиб тургандай. Эмишки, бу ойларда уруш бошлаган халқларни сув маъбудалари қарғайди...

Дархақиқат, мазкур ойларда Окс дарёси тўлиб-тошиб оқади, қирғоқнинг икки томонидаги халқни мўл-кўл оби ҳаёт билан сийлайди, гўёки яратувчанликка, мўл-кўлликка, ризқ-рўзни бут қилиб олишга ундаётгандай. Албатта, мана шундай мўл-кўллик, ризқу рўзга шукрона қилмайдиган, босқинчилик, талон-тарожни ўйлайдиган халқни сув қарғайди-да! Массажетлар келаётган душманнинг қирғинбарот қарғишга дучор бўлишини тилаб, қуну тун ибодат қилмоқдалар.

2

Ер юзини чангитиб келаётган Кирнинг мўр-малахдай аскарлари Окс дарёси қирғоқларига келиб тўхтади. Қайнаб-тошиб оқаётган бўтана сувга улар анча вақтгача тикилиб турдилар. Кейин ўзларини сувга отдилар – чарчаган, чўллаган қўшин от-поти билан сувга интилиб, худди умрида сув кўрмаган одамлардай дарёни симира бошладилар. Аскарлар устларидан совутларни ечар-ечмас сувга бош тикиб, бир-бирларига сув сепишиб, роса мириқишди. Отлару одамлар роҳатланиб сув ичишар, лойқа-бўтана сувнинг бу қадар ширин таъмли бўлишини энди кўриб тургандай, хайратларини яширмай қайта-қайта сувга шўнғишарди. Қанча дарёларни кўрган, нечасини кечиб ўтган, қанча дарё қирғоқларида жанг қилган Кир ҳам аскарларнинг қийқириғига чидай олмади. Отдан тушиб, дарёга энгашди.

«Ох, ох, қанчалар мазали! Окс дарёсининг суви худди булоқ сувидай мазали экан! Мақтаганларича бор экан! Бу заминнинг қандай сеҳри, таровати бор эканки, дунёни зир титратган форслар мана шу сувнинг нари-

ги томонидаги халқни бўйсундиrolмаган?! Ери сувиға, суви тупроғиға ўхшаш, рангдош бўлган бундай ғалати, гўзал диёрни энди кўришим. Айтишларича, бу диёрнинг тупроғи ҳам жуда серҳосил эмиш. Бу заминда униб-ўсган меваю ноз-неъматларни еган киши ҳеч тўймас эмиш, мазаси ширин-шакар эмиш... Ҳа, майли, мана, сувини ичдим-ку, энди ноз-неъматларини ҳам еймиз-да. Бу диёр фақат мазали меваю ноз-неъматлари билангина эмас, олтин, кумуш, маржон тошлари билан ҳам машҳур. Демак, мана шуларнинг ҳаммаси яқин орада сеники бўлади, Кир!»

Кир қирғоқ бўйида туриб, дарёнинг нариги тарафини кўздан кечирди. Нариги қирғоқ кўзга элас-элас кўриниб, кишини ўзига тортади. Дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб ўсиб ётган тўранғиллар кўм-кўк бўлиб, қип-қизил қумларга қўрк бағишлайди. Соҳилларнинг ҳар икки томони кета-кетгунча тўқайлик, ям-яшил чакалакзорлар. Қалин чакалакзорларнинг тугайдиган жойини кўз илғамайди. Шунини ҳисобга олганда, бу дарё битта ўзандагина окмаса керак.

Кир чодирлар тикилсин, деб буйруқ берди. Сал ўтмай икки юз минг аскарнинг чағалай қуш уяларидай чодирлари бўй тиклади. Ҳамманикидан баланд, ҳарир чодир энг юксак тепаликка қурилди – бу шоҳнинг қароргоҳи эди.

– Камбиз, – деди Кир лашкарбошига, – Бугун Тўмарисга элчи юборамиз. Жавобини тез олиб келсин. Тинч йўл билан шартларимизни қабул қилса – дарёдан ўтишга ҳожат қолмас...

– Массagetларни кўчманчи халқ дейишади. Тўғри, кўчманчи халқлар ўзимизнинг мамлакатда ҳам бор,

аммо... Бунақа ўжар халқни ҳеч кўрмаганман. Буларни қуондай чакқон дейишади, бугун – бу ерда бўлса, эртага – у ерда. – Камбиз массагетларнинг кўчиб юрадиган кичик-кичик тўдаларига дуч келиб таланган одамлардан эшитганларини бир-бир эслай бошлади. – Кичик-кичик тўдалари улкан-улкан талофат етказиб кетаркан.

Узоқдан чопиб келиб тўхтаган от туёғининг овози эшитилди. Шоҳ ва Камбиз ташқарига кўз ташладилар қора тўриқ от устидан сакраб тушган чавандоз бош қароргоҳга яқинлашди. Тантанали маросимларда кийиладиган чопонга ўралган бу одам – элчи Спита эди.

– Йўл бўлсин! – Кир ўз элчисига берилаётган топшириқларни яна бир бор такрорлади. – Массагетларнинг аёл подшоиси менга бўйсунуши шарт! Билиб қўйсинки, биз мағлуб қилган мамлакатнинг енгилганлигининг рамзи сифатида доим бир ишни қилиб келганмиз – яъни, мағлуб шоҳ тирик бўлса-ю, ўз ихтиёри ила бизга бўйсунса, унинг қизини ўз никоҳимизга оламиз. Агар мамлакат подшоҳи қазо қилган бўлса – шоҳнинг хотинини, қизларини ўзимизга хотин қилиб оламиз. Навбат энди Тўмарисга келди, у таслим бўлсин-да, никоҳимизга кирсин. Агар айтганларимизга қўнмас экан, жанг майдонига чиқсин!

Элчи «маъқул» деганча бош эгди-да, отини чоптириб, дарё қирғоғи бўйлаб кечиб ўтишга қулай жой излаб кетди.

– Жосуслар нима хабарлар келтиришди? – деб сўради шоҳ лашкарбошидан.

Тўмариснинг мамлакати, бу диёрда яшаётган халқнинг ҳаёти, лашкар ҳақидаги маълумотларни у яна бир марта эшитмоқчи эди. Ўзга халқлар устига бости-

риб бориш олдидан у ерда яшайдиган халқнинг ҳаёти, яшаш тарзи, жангга қулай майдонлари, тоғу тоши, тўқайлари, дарёси-ю қудуқларигача барча маълумотларни тўплаш – форс шоҳларининг одати. Кир ўзи ҳужум қилмоқчи бўлган мамлакатга даъватчи-жосусларни йўллайдиган одат чиқарди – бу жосуслар ўша мамлакатга етиб боришгач, душман жуда кучли аёвсиз, дахшатли эканлигидан гап очиб, халқ ичида ваҳима тарқатар эди. Чунки ваҳимали гапларнинг ўқдан, қиличдан, найза ва манжанақлардан ҳам кучлироқ таъсир этишини Кир жуда яхши билади. Мана тахтга чиққанига йигирма саккиз йил бўлибдики, шу йиллар мобайнида Кир не-не салтанатларнинг кулини қўкка совурмади, не-не шаҳарларни қамал қилиб, ўзига бўйсундирмади дейсиз. Ўзи мансуб бўлган пасаргардлар қавмини бирлаштириб, кичкина қалъаларни катта-катта шаҳарларга айлантирди. Форс мамлакатини тобора кенгайтирди, теварак-атрофдаги катта-кичик қабилаларни, халқларни, мамлакатларни ўзига бўйсундирди. Қўчманчи халқ бўладими, ўтрок халқ бўладими – барчасини ўзига қарам қилди, бойликларини талади, ўзининг салтанатига қўшиб олди. Авваллари оз сонли халқ саналган пасаргард (форсиён)лар эндиликда улкан бир салтанатга айланди.

Кир дастлаб ўзлари бўйсуниб келган Мидия мамлакатига уруш очди. Уч йил давом этган урушдан сўнг Мидияни босиб олди. Форс юрти шу тариқа улкан мамлакатлар қўшилган салтанатга айлана бошлади. Иштаҳаси очилиб кетган Кир қунига уч-тўрт шаҳарни, қалъа-қўрғонларни ўзига бўйсундириб, қўшиб оларди. Қўп ўтмай Элам, Парфия, Гиркания, Лидия, Бобил, Финикия мамлакатлари Кирга таслим бўлди. Эндиликда



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4403> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4403> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4403>